

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВ ОЙБЕК ҒАНИЕВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС
ВОСИТАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Давлатов Ойбек Ганиевич

Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш 3

Давлатов Ойбек Ганиевич

Развитие компетентности обеспечения информационной безопасности у студентов посредством историко-культурного наследия..... 27

Davlatov Oybek Ganievich

Developing students' information security competency by means of historical and cultural heritage 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВ ОЙБЕК ҒАНИЕВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС
ВОСИТАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Ped173 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб- саҳифасида (www.tdpu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маврулов Абдухалил Абдулхаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мардонов Шукрулло Кулдашевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « ____ » ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32.)

Диссертация автореферати 2018 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.С.Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср жаҳонда тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври сифатида ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатаётган омил деб эътироф этилди. Замонавий шароитда ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ахборот хуружларига қарши курашишга доир мафкуравий иммунитетни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, АҚШ, Франция, Германия ва Россия давлатларида “Хавфсиз интернет” дастури ишлаб чиқилган бўлиб, таълим олувчиларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилган.

Жаҳонда талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик асосларини такомиллаштириш, миллий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хуружларига қарши ўз-ўзини ҳимоялашнинг диагностик-профилактик тизимини ишлаб чиқишга доир илмий-тадқиқотлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Гуманитар таълим соҳаси талабаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг рефлексив технологияларини ишлаб чиқиш, тизимли-функционал моделини такомиллаштириш, шахсий ахборот хавфсизлигини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Республикамизда жамиятни ахборотлаштиришга доир давлат сиёсати ишлаб чиқилиб, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жамиятни ахборотлаштириш шароитида тарихий-маданий меросни кенг тарғиб этиш, талабаларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини, аждодлар меросига аксиологик муносабатни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий-гуманитар таълим йўналиши талабаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг самарали ташкилий-педагогик механизмлари ва зарарли ахборотлар таъсиридан ўз-ўзини ҳимоялашнинг профилактик тизими ишлаб чиқилди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш масалалари алоҳида йўналиш сифатида белгиланиб, ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш, ёшларда Интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш”¹ вазифа этиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.27.

белгиланди. Натижада талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш алоҳида зарурат касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори, 2018 йил 16 январдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 5181-сон Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Д.Абдуллаева, А.Асқаров, С.Отамуротов, А.Очилдиев, А.Бегматов, Э.Бобомуратов, М.Имомназаров, М.Каххарова, Ў.Мавлонов, А.Маврулов, А.Муминов, Қ.Назаров, Э.Ртвеладзе, Ф.Сулаймонова, К.Шониёзовлар тарихий-маданий мероснинг фалсафий, археологик ва ижтимоий-маданий, маънавий аҳамиятини, Р.Маматкулова, Ш.Мардонов, О.Мусурмонова, Д.Рўзиева, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиевалар тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини, Б.Ходжаев, Қ.Шоназаровлар тарих фанини ўқитишда тарихий-маданий меросдан фойдаланиш йўллари тадқиқ этишган.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг фалсафий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий масалалари М.Ёқубова, Н.Жўраев, И.Каримов, Ж.Мухаммадиев, А.Тулупов, А.Умаров, М.Усманова, Т.Эшбековлар томонидан ўрганилган. Психолог олимлардан Э.Ғозиев, С.Жалилова, В.Каримова, Н.Сафаев, Ғ.Шоумаровлар томонидан ахборотнинг талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятига таъсирининг психологик жиҳатлари, М.Абдужабборова, У.Ёзиева, А.Исманова, Б.Ходжаев, М.Қурононов, З.Қосимовалар томонидан ўқувчиларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмлари ёритиб берилган.

Республикамизда таълимда ахборот технологияларини жорий этиш, талабаларда Интернет билан ишлаш маданиятини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, М.Арипов, А.Арипджанова, У.Ш.Бегимқулов, Н.А.Муслимов, Н.Тайлоқов, М.Файзиева, Ш.Шарипов, Т.Шоймардонов, С.Ғуломовлар томонидан амалга оширилган.

МДХ олимларидан М.Дзлиев, А.Доколин, Ю.Затуливерет, С.Кара-Мурза, М.Кастелсь, Е.Масуда, И.Мелюхин, В.Михайловский, Н.Моисеев, Н.Носов, Н.Нурмеева, Е.Поликарповларнинг тадқиқотлари жамиятни ахборотлаштириш ҳамда талабаларда ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш масалаларига бағишланган.

Хорижлик олимлардан Т.Стоуньер, А.Тойнби, А.Урсул, Т.Яглом, L.Botcheva, Jon Lackie, S.Dawn, I.Hutchby, M.Unland, G.Hofstede, M.McLuhan, Min-kyu Choi, Stamp Markларнинг илмий ишларида талабаларда инфор­мацион-аналитик компетенцияни ривожлантириш масаласи ёритиб берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4 (4-011) “Узлуксиз таълим тизимида ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг концептуал асослари” (2014-2016 йй.), (А-1-081) “XX-XXI аср бошларида ўзбек халқи санъатидаги трансформация жараёнлари (тарихий таҳлил)” (2015-2017 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш мазмунини ёритиб бериш;

талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантиришнинг тизимли-функционал моделини такомиллаштириш;

тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот-таҳлилий компетенциясини шакллантиришнинг методик шарт-шароитларини аниқлаш;

тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти гуманитар таълим соҳаси талабаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш мазмуни, шакл, метод, воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат), педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усуллари­дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар иборат:

тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг таянч компетенциялари (ахборот-ҳуқуқий, меъёрий-методик ва ижтимоий-маданий) “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитиш мазмунини ижтимоий-гуманитар, математика ва табиий-илмий, умумқасбий ва ихтисослик фанлари билан ўзаро ҳамкорликда интеграциялаш асосида аниқлаштирилган;

талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш тизимли-функционал моделининг ташкилий-методик компоненти инновацион таълимнинг коллоборатив (ҳамкорликда ўқитиш, гуруҳий мунозара, ўқув лойиҳалари) ва имитацион технологиялари (тренинг, дебат, ишбилармонлик ўйинлари, ролли ўйинлар)га устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг ахборот-таҳлилий компетенциясини ривожлантириш методикаси мотивацион, баҳолаш, коммуникатив, рефлексив босқичларга асосланган тарихий матнлар билан ишлаш бўйича машғулотларни интенсив (матнларни таққослаш, герменевтик таҳлил этиш, матндаги зиддиятликни аниқлаш) лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

“Давр билан диалог (ДБД)” технологиясининг аналитик, ташкилий, фаолиятга доир, мониторинг ва натижавийлик босқичлари тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг мазмунли-жараёнли ва ташкилий-педагогик компонентларини уйғун оптималаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг электрон дастурий таъминоти яратилган;

талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи тарихий-маданий мерос каталоги ишлаб чиқилган;

талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришга доир аутотренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган;

талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришга доир тарбиявий тадбир ишланмалари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда ахборот хавфсизлиги компетентлигини ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва чет эллик олимлар, шунингдек, профилактик фаолиятни ташкил этишга доир тажрибаларга асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш мазмуни, асосий тушунчалари, мезонлари, кўрсаткичлари ишлаб чиқилганлиги, талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг стратегик ҳаётий мақсадларни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ёритиб берилганлиги, тарихий-маданий мероснинг талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш имкониятларини очиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш асосида ўз-ўзини ҳимоялаш ва ижтимоий фаолликни таъминлаш босқичлари, компонентлари, параметрларининг аниқлаштирилганлиги, тарихий-маданий мероснинг ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги имкониятларини таҳлил этиш асосида зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва қаршилик кўрсатишга доир маънавий-профилактик технологияларнинг такомиллаштирилганлиги, тарихий-маданий меросни таълим амалиётига татбиқ этишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш бўйича илмий натижалар:

талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг таянч компетенциялари тизимини аниқлаштиришга доир таклифлардан “Педагогика” таълим соҳаси 5110600 – тарих ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишининг Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги 89-03-2497-сон маълумотномаси). Натижада тарих ўқитиш методикаси йўналишида ўқитиладиган фанлар мазмуни бойитилган;

талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли-функционал моделини такомиллаштиришга доир таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 18 январдаги “Олий таълим тизимида интернет-маданиятини ривожлантириш тўғрисидаги” 23-сон буйруғи билан тасдиқланган меъёрий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги 89-03-2497-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг услубий таъминоти такомиллаштирилган;

педагогика олий таълим муассасаларининг педагогика ва психология йўналиши талабалари учун яратилган “Педагогик аксиология” ўқув қўлланмасининг “Педагогик аксиологияни тадқиқ этишга доир методологик ёндашувлар” бобини ёзишда назарий ҳамда амалий материал сифатида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги 89-03-2497-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда

ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг аксиологик мазмуни такомиллаштирилган;

тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш технологияси такомиллаштирилган ҳамда таълим жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги 89-03-2497-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар асосида тарихий-маданий меросни ўргатиш методикаси мазмуни такомиллаштирилган ва талабалар томонидан “Давр билан диалог (ДБД)” технологиясининг муваффақиятли ўзлаштирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 мақола, шундан 6 та республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, 3 боб, 144 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳамда мавжуд ҳолати баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ахборот борасидаги хавфсизлик деганда, ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати тушунилади.

Давлатимизнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида олиб бораётган сиёсати, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” деб номланган бешинчи устувор йўналишида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш масаласи алоҳида йўналиш сифатида белгиланиб, бунда ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш, ёшларда Интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Адабиётлар таҳлили асосида ахборот хавфсизлиги – ахборотлашган жамият билан уйғун ривожланишга ёрдам беришга йўналтирилган замонавий социумнинг объектив тараққий этиши билан боғлиқ муракаб ҳодиса эканлиги ҳақидаги хулосага келинди. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг аввало, турли ахборот манбаларидаги маълумотларни таҳлил этиш, баҳолаш ва зарарли ахборотларни аниқлаш, талабаларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ўз-ўзини ва жамият аъзоларини ҳимоя қилиш, уларга қарши курашишга тайёрлашни талаб этади.

Тадқиқот натижалари талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш ижтимоий фаол фуқаро ва бўлажак мутахассис сифатида бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидалари, маънавий-ахлоқий идеаллари, эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғояларга қарши курашиш малакасини таркиб топтириш билан алоқадорлигини кўрсатди.

Тадқиқот жараёнида Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган маънавий, сиёсий ва психологик таҳдидлар аниқланди. Айниқса, ижтимоий тармоқларда фаол ҳолатда кўп ҳавола қилинаётган ахборот таҳдиди тавсифига эга материаллар сифатида каналлар рекламаси, савол ва жавоблар, бузғунчи ғояларни тарғиб этувчи расм ва видеофайллар, тарқатма ахборотларга талабалар жуда мойил эканлиги ҳақидаги хулосага келинди. Ахборот таҳдиди сифатида тарихий-маданий меросга нисбатан хуружларнинг мавжудлиги талабаларни ахборот хавфсизлиги фаолиятига тайёрлашга доир компетенциялар тизимини аниқлаштиришни тақозо этади.

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, психологик-педагогик, методик адабиётлар ва ахборот хавфсизлиги соҳасига доир илмий ишларни таҳлил этиш асосида талабаларни ахборот хавфсизлиги фаолиятига тайёрлашга доир компетенциялар мазмуни аниқлаштирилди (1-жадвалга қаранг).

**Талабаларни ахборот хавфсизлиги фаолиятига тайёрлашга доир
компетенциялар мазмуни**

Компетенциялар	Мазмуни
Юридик (ахборий- ҳуқуқий)	Зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимояланиш ва ахборот хавфсизлигига риоя қилишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш: миллий қонунчилик нормалари: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонун; Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарор ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармойишлари; Давлат органларининг методик кўрсатмалари: Ахборот хавфсизлиги стандартлари, методик кўрсатмалар.
Дастурий- техник	Автоматлашган ахборот тизимлари ва алоқа тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш метод ва воситаларини эгаллаганлик: сохта ва таъқиқланган ахборотлардан муҳофаза қилиш воситалари; зарур ахборотларни олишнинг қулай воситалари; ахборотлар билан ишлашда махфийлик ва ахборотлар қимматини ҳисобга олиш.
Меъёрий-методик	Фаолият тури (тарихий-маданий меросни муҳофаза қилиш) билан боғлиқликда ахборот хавфсизлиги соҳасида шахсий ва жамоавий меъёрларга риоя қилиш: ахборот хавфсизлигини таъминлашда мақсаднинг аниқ шакллантирилганлиги; аксиологик ёндашув асосида тарихий-маданий меросга нисбатан таҳдидларнинг олдини олиш; тарихий-маданий меросга нисбатан таҳдидларни таҳлил этиш; тарихий-маданий меросни муҳофаза қилиш билан боғлиқликда ахборотлар устида ишлашни ташкил этиш.
Ижтимоий- маданий	Жамият аъзолари ва шахсий қадриятлар тизимида таъсири нуқтаи назаридан ахборий фаолиятни қуйидаги жиҳатлар билан боғлиқликда ахборот билан ишлаш фаолиятини бошқариш: иқтисодий (ахборот маҳсулот сифатида); сиёсий (мафкуравий полигон); психологик (ахборот уруши); педагогик (ахборот орқали таъсир ўтказиш); ижтимоий-маданий (жамиятни ахборотлаштириш шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим аҳамият касб этиши).

Олий таълим муассасаларининг тарих бакалавриат йўналишида ўқитиладиган умумқасбий ва ихтисослик фанларининг ўқув дастурлари таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

бакалавриат йўналишлари ўқув режасида тарихий-маданий меросни ўрганиш имконини берувчи бир қатор фанлар мавжуд: “Ўзбекистон тарихи”, “Археология”, “Тарих ўқитиш методикаси”, “Маданият тарихи”, “Санъат тарихи”, “Манбашунослик”, “Ўрта Осиё шаҳарлари”, “Музейшунослик”, “Ёрдамчи тарих”, “Тарихий ўлкашунослик”, “Марказий Осиё халқлари тарихи” ва бошқалар;

худди шунингдек, талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган ихтисослик ва танлов фанлари ҳам мавжуд: “Тарих фанларини ўқитишда замонавий таълим воситаларини жорий этиш”, “Тарих фанини ўқитишда технологиялар ва лойиҳалаштириш” ва ҳ.к. Бироқ мазкур фанлар мазмунида талабаларда

ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган мавзулар аниқ ўз аксини топмаган.

“Ўзбекистон тарихи” туркумига кирувчи фанларда курснинг объекти ва предметдан келиб чиққан ҳолда тарихий-маданий мерос турларининг чуқур ўрганилиши биринчидан, талабаларда аجدодлар томонидан қолдирилган бой меросни ўзлаштириш имконини берса, иккинчидан, бугун туризмни жадал ривожлантириш шароитида тарихий-маданий мерос объектлари ҳақида фикр юритилганда, талабалар томонидан улар ҳақида аниқ далиллар асосида ахборотларга эга бўлиш компетентлиги ривожланади.

Таҳлил натижалари асосида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришга доир асосий меъёрий ҳужжат Давлат таълим стандарти саналиб, таянч ўқув режасида ахборот хавфсизлиги асосларига доир махсус фанни ўқитиш кўзда тутилмаслиги ҳақидаги хулосага келинди. Мазкур жараён ижтимоий-гуманитар, математика ва табиий-илмий фанлар, умумқасбий ва ихтисослик фанлари негизида амалга оширилади.

Олий таълим муассасалари ўқув режасидаги фанлар горизонтал тамойилга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг мазмунида ахборот хавфсизлиги асосларини тўлиқ акс эттириш имконияти мавжуд эмас. Мазкур ҳолат “Ахборот маданияти ва ахборот хавфсизлиги асослари” модулли ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва тўғарак машғулотида амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Диссертациянинг **“Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш мазмуни, шакл ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот-таҳлилий компетенцияни ривожлантириш, талабаларда ахборот хавфсизлиги компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели ва технологияси ёритиб берилган.

Тарихий-маданий мероснинг энг муҳим аҳамияти талабаларда ахборот-таҳлилий компетенцияни ривожлантиришга хизмат қилишидир. Ахборот-таҳлилий компетенция деганда, сифат жиҳатдан янги билимларни ўзлаштириш мақсадида хилма-хил тур ва шаклдаги ахборотларни аналитик-синтетик қайта ишлаш жараёнида мавжуд билим, кўникма ва шахсий тажрибасини қўллаш олиш қобилияти тушунилади.

Талабаларда ахборот-таҳлилий компетенцияни ривожлантириш қатор методик шарт-шароитларни талаб этади; талабаларга ахборот-таҳлилий фаолият технологиясини ўргатиш; ўқув жараёнига талабаларни ахборотларни идрок этишда индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, таҳлил этиш (табақалашган когнитив услуб) ва умумлаштириш (интеграл когнитив услуб)ни талаб этувчи табақалаштирилган амалий топшириқларни ўқув жараёнига татбиқ этиш; ўқув жараёнида махсус ахборот-таҳлил тизимлари, дастурий воситалардан фойдаланиш.

Талабаларда ахборот-таҳлилий компетенцияни ривожлантириш ўз навбатида шахс ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ бўлиб, талабанинг

мавжуд эгалланган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ахборотни онгли идрок этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш қобилияти билан тавсифланувчи шахсий қадриятга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан ахборот таҳдидларига қарши курашишга тайёргарлигини ифода этади.


Тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришда айниқса, герменевтик ёндашувга асосланишни талаб этадиган матнлар устида ишлашни ташкил этиш самаралидир. Герменевтик таълим технологияси ҳамда фаол ва интерфаол методлар (ишбop ўйинлар, тренинглар, мунозара) талабаларда матн муаллифининг нуқтаи назарини тўғри баҳолаш ва ўз нуқтаи назарини яна-да ёрқинлаштириш учун зарурий шарт-шароит яратади. Талабаларнинг матнлар устида ишлашнинг ташкил этиш бир нечта босқичларда амалга ошади: 1) мотивацион (янги ахборотларни олишга мотивацияни ҳосил қилиш); 2) баҳолашга доир (ахборотни тушуниш ва англаш, муаллифнинг мақсад-муддаосини таҳлил қилиш); 3) коммуникатив (қадриятли ёндашув асосида муаммоли вазиятни ҳал этиш); 4) рефлексив (шахсий нуқтаи назарни яна-да, аниқлаштириш).

Талабаларнинг ахборотлар таҳдидига қарши курашишга тайёрлигини баҳолаш мақсадида талабалар билан “Ўзбекистон тарихи” фани бўйича ишбилармонлик ўйини методига асосланган семинар машғулоти ташкил этилди, суҳбат ва ҳамкорликда муҳокамалар ўтказилди. Тарихий-маданий меросга ахборот таҳдидлари билан боғлиқ матнлар танлаб олинди. Мазкур матнлар мазмунида жамият томонидан белгиланган ижтимоий меъёрларга номуносив хулқ-атвор кўринишлари ифода этилди. Матн билан ишлаш жараёнида ахборот таҳдидларига нисбатан муносабат ва фикр билдиришга доир саволлардан фойдаланилди.

Тадқиқот доирасида прагматик, тизимли-функционал моделни ишлаб чиқиш мақсад сифатида белгиланди. Моделнинг мазкур тури талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш жараёнини бошқариш воситаларини излаб топиш, шунингдек, модел субъекти сифатида талабаларнинг тайёргарлик даражасининг бошланғич ва якуний ҳолати ўртасидаги фарққа эришишга имкон берувчи тадқиқ этилаётган жараёнларни бошқариш функцияларини акс эттиришга ёрдам беради.

Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели мақсадга йўналтирилган, назарий-методологик, мазмунга доир, ташкилий ва натижавийлик компонентларини ўзида акс эттирди (1-расмга қаранг).

Мақсадга йўналтирилган блок талабаларда ахборот хавфсизликни таъминлаш компетентлигини ривожлантириш тизимининг бошқа блоклари учун етакчи роль ўйнайди. Мазкур блок мазмунини аниқлаштириш асосида тадқиқот соҳасига доир таълим стандарти ва ижтимоий буюртма, меъёрий-ҳуқуқий асослар белгилаб олинди. Шунингдек, моделнинг мақсад ва вазибалари ҳам аниқлаштирилди.



1-расм. Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели

Мазмунли-жараёнга доир блок қуйидаги мажмуавий педагогик шарт-шароитларни ўзида акс эттиради: ахборотларни аниқ мақсад асосида излаш ва қайта ишлаш жараёнида юзага келадиган ахборот хуружларини аниқлаш ҳамда талабаларда ижтимоий ва шахсий қадриятлар тизимини қарор топтириш; вазиятларни таҳлил этиш ва топшириқларни бажариш орқали кибермаконда хавфсизлик бўйича талабаларда рефлексив нуқтаи назарни шакллантириш; ўқув лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида талабаларни ўқувчи-ёшлар ўртасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш профилактикаси бўйича ишлаш тажрибасини ривожлантириш.

Моделнинг натижавийлик блоки баҳоловчи функцияни бажарди ва тадқиқотнинг амалий жиҳатини тавсифлаб, ўзида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш даражалари, мезонлари ва кўрсаткичларини акс эттирди.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган модел яхлит тавсифга эга бўлиб, унинг блоклари ўзаро алоқадор ва якуний натижани аниқлашга хизмат қилади; талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган ҳаракатларни ташкил этиш воситаси сифатида прагматик йўналганликка эга; талабаларни касбий тайёрлаш тизими сифатида очиқ тизимни ўзида ифода этади.


Тадқиқот доирасида тарихий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг “Давр билан диалог” (ДБД) технологияси ишлаб чиқилди.

“Давр билан диалог” (ДБД) технологиясининг қуйидаги таснифий белгилари аниқланди: қўлланилиши даражаси ва тавсифи: локал даражада қўлланилиш тавсифига эга мезотехнология; фалсафий асоси: 1) антропологик; 2) онтологик; 3) диалогик; методологик ёндашуви: инсонпарвар, алгоритмли, амалий йўналтирилган, қадриятга йўналтирилган ёндашув; ривожланишнинг етакчи омиллари: 1) социоген; 2) психоген; тажрибани ўзлаштиришнинг илмий концепцияси: ассоциатив-рефлексив + фаолиятли + ривожлантирувчи + бихевиористик; мазмунига кўра: умумтаълимий; ижтимоий-педагогик фаолият тури: таълимий (дидактик), тарбиявий, ривожлантирувчи; қўлланиладиган методлари: 1) диалогли; 2) вазиятли; 3) бир-бирига тушунтириш; 4) бир-бирига ўргатиш; 3) мустақил иш; 4) харита билан ишлаш; 5) ўйин; 6) изланишли-тадқиқотчилик; ташкилий шакллари: 1) индивидуал; 2) гуруҳли; 3) жуфтликларда ишлаш; 4) жамоавий; қўлланиладиган воситалари: 1) манбалар; 2) ҳужжатли фильмлар; 3) бадиий адабиётлар; 4) мультимедиа; талабага ёндашув ва тарбиявий ўзаро ҳаракат тавсифи: шахсга йўналтирилган; модернизацион йўналиши ва анъанавий таълим тизимга муносабати: ижтимоий-тарбиявий функцияни кучайтириш асосидаги педагогик технология; қўлланилиш тоифаси: олий таълим муассасалари талабалари учун.

Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш технологияси рефлексив ёндашувнинг концептуал асосларига таянган ҳолда лойиҳалаштирилиб, мақсадга йўналтирилган, тизимли тавсифга эга қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олди: аналитик

– талабаларнинг тарихий-маданий меросни ўзлаштирганлиги ҳақидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва баҳолаш; ташкилий-тайёрлов – технологияни амалга ошириш истиқболлини аниқлаштириш, педагогик жараён шакл, метод ва воситаларини танлаш, профессор-ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш; фаолиятга доир – тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш технологиясини босқичма-босқич амалга ошириш; мониторинг – тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш динамикасини баҳолаш, зарурият юзага келганда педагогик жараёнга тузатишлар киритиш; натижавий – натижаларни баҳолаш ва таълимий-тарбиявий ишларнинг истиқболдаги вазифаларини аниқлаштириш.

Технология расм кўринишида қуйидаги кўринишга эга бўлди (2-расм).



2-расм. Тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш технологияси

Технологик икки қисмдан ташкил топган: мазмунли-процессуал ва ташкилий-педагогик.

Технологиянинг мазмуни ўзида когнитив – амалий фаолият – рефлексия бирлиги ва ана шу босқичларни ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлувчи тарихий тафаккурни ривожлантириш даражалари (англаш, тушуниш, муносабат ва фикрлаш)ни акс эттирди.

Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантиришнинг уч босқичдан иборат методик картаси ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришнинг методик картаси

Биринчи шарт-шароит: интернет-манбаларидан мақсадга йўналтирилган ахборотларни излаш ва қайта ишлашда талабаларнинг ахборот хавфсизлигига риоя қилиши ва тарихий-маданий меросга қадриятли муносабатини аниқлаштириш	
Биринчи ташкилий-педагогик шарт-шароитни амалга ошириш методикаси	
Мақсад	Ахборот таҳдидининг кўринишларини аниқлаштириш, тарихий-маданий меросга қадриятли муносабатни таркиб топтириш
Мазмун	“Ўзбекистон тарихи” туркумига кирувчи фанлар ҳамда “Ахборот маданияти ва ахборот хавфсизлиги асослари” модулли курс дастури
Шакл, метод ва воситалари	Ташкилий шакллари: давра суҳбати, дебатлар, семинар, ўйинлар. Методлари: мунозара, машқ, ишбилармонлик ўйини ва интерфаол методлар. Воситалари: тарқатма материаллар, Интернет, электрон таълим ресурслари.
Натижа	Ахборот таҳдидининг оқибатини англайди ва ахборот хуружларига қарши курашда тарихий-маданий меросга таянади.
Иккинчи шарт-шароит: вазиятларни анализ қилиш ва топшириқларни бажариш жараёнида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича рефлексив нуқтаи назарни қарор топтириш	
Иккинчи ташкилий-педагогик шарт-шароитни амалга ошириш методикаси	
Мақсад	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича рефлексив нуқтаи назарни қарор топтириш
Мазмун	“Ўзбекистон тарихи” туркумига кирувчи фанлар ҳамда “Ахборот маданияти ва ахборот хавфсизлиги асослари” модулли курс дастури
Шакл, метод ва воситалари	Ташкилий шакллари: семинар, “Мен ахборот хуружига қаршиман” мавзусидаги эссе, вазиятли ўйин (“Афсона бўлмаган муаммолар” ва бошқалар). Методлари: рефлексив усуллар: вазиятлар таҳлили, машқ, ғояларни умумлаштириш методи. Воситалари: Интернет, электрон таълим ресурслари, Интернет тармоғидаги манбалар билан ишлашга доир топшириқлар.
Натижа	Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича рефлексив нуқтаи назарнинг шаклланганлик даражаси ортади
Учинчи шарт-шароит: ўқув лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантириш	
Учинчи ташкилий-педагогик шарт-шароитни амалга ошириш методикаси	
Мақсад	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича субъектив тажрибани шакллантириш
Мазмун	“Ўзбекистон тарихи” туркумига кирувчи фанлар ҳамда “Ахборот маданияти ва ахборот хавфсизлиги асослари” модулли курс дастури
Шакл, метод ва воситалари	Ташкилий шакллари: муаллифлик лойиҳаси ҳимояси, мультимедиа-лекция, семинар, консультация, мониторинг. Методлари: ўқув лойиҳаси, демонстрация, кузатиш, тушунтириш, тизимлаштириш, муаммоли ва тадқиқотчиликка доир методлар, эссе. Воситалари: проекцион материал, тарқатма материал (лойиҳани ҳимоя қилиш жараёнида), Интернет, электрон таълим ресурслари.
Натижа	Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича субъектив тажриба ортади ва компетенциялар таркиб топади.

Таҳлилий материаллар асосида ҳамда олий таълим муассасаларида ахборот хавфсизлиги асосларини алоҳида фан сифатида ўқитилмаслигини ҳисобга олган ҳолда, “Ўзбекистон тарихи” туркумига кирувчи фанлар билан бирга, тўғарак машғулотида фойдаланиш учун 2-4 курсларга

мўлжалланган “Ахборот маданияти ва ахборот хавфсизлиги асослари” модулли курс дастури таквим-мавзу режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур курс дастури учта модулни ўз ичига қамраб олди:

1-модул. Ахборот-ресурслари ва ахборот маданияти: жамиятни ахборотлаштириш ва ахборот маданияти; илмий-тарихий асарлар ва қўлёзмалар – бирламчи ахборот манбалари сифатида; санъат ва маданиятга доир норматив-меъёрий ахборотлар мажмуининг ривожланиш қонуниятлари; ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир миллий ва халқаро сиёсат; илмий-тарихий асарлар ва қўлёзмаларнинг электрон варианты иккиламчи ахборот манбалари сифатида.

2-модул. Ахборот манбаларини аналитик-синтетик қайта ишлаш: ахборий материаллар аналитик-синтетик фаолият объекти сифатида; илмий матн – аналитик-синтетик фаолият объекти сифатида; илмий ҳужжатларнинг мантиқий-лингвистик тузилиши; ҳужжатлар устида интеллектуал ишни ташкил этишнинг рационал усуллари; ахборотларни йириклаштириш ва иккиламчи илмий ҳужжатларни тайёрлашнинг формал методи.

3-модул. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ғоявий курашчанлик: тарихий-маданий меросга нисбатан ахборот хуружларининг кўринишлари ва намоён бўлиши; ахборот хавфсизлигини таъминлаш омиллари ва воситалари; ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш; сохта ахборотларни фош этиш йўллари.

Тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда кўпроқ рефлексив усулларга таянилди.

1-вазият. Янгиликлар такдим этиб бориладиган сайтни кўриб туриб, маданий мерос ҳақидаги янгиликларга шарҳларга оид диалогда қуйидаги фикрларга гувоҳ бўлдингиз:

х: ахборот технологиялари ривожланган даврда тарихий-маданий меросни ўрганиш бизга нимага керак?

у: тўғри шу тарих, маданий мерос ҳақида гап кетса, менда ҳам шундай фикр уйғонади.

х: тарихий-маданий мероснинг аллақачон ноу-хауларни ўрганиш керак эди.

Топшириқ. Диалог иштирокчиларининг фуқаролик позициясини баҳоланг. Интернетдаги мазкур мулоқот тарихий-маданий меросга нисбатан бошқаларда ҳам шундай фикрларни ҳосил қилмайдими? Сиз диалогга аралашиб, қандай муносабат билдирган бўлар эдингиз? Сизнинг шахсий фикрингиз қандай?

2-вазият. Сиз ўртоғингиз доимий равишда хакер сифатида таъқиқланган сайтларнинг фаол иштирокчиси эканлигини билдингиз. Тасаввур қилинг, ана шундай сайтлардан бирида ўзбек халқининг келиб чиқиши, тарихий-маданий мероси ва миллий сиёсати ҳақида бузғунчи ғоялар тарқатилади. Ўртоғингиз ҳам ана шу ғояларга ишонади.

Топшириқ: Сиз тарихий-маданий мерос воситасида қандай тарзда мазкур ахборот таҳдидига қарши фикр билдирасиз? Сиз ўртоғингизнинг

бузғунчи ғояга эргашаётганига ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?
Ўртоғингизни ватанпарвар ва миллий ғурури бор инсон деб ҳисоблайсизми?
Ўзингизни ватанпарвар, миллатпарвар, халқпарвар деб ҳисоблайсизми?
Мазкур вазиятни бартараф этиш учун нима қилиши керак?

Талабаларда танқидий фикрлашни ривожлантиришда рефлексив нуқтаи назарни шакллантиришга йўналтирилган “Идеал” машқидан фойдаланилди. Мазкур машқни бажариш учун муаммоли саволлар талабалар билан бирга улар учун долзарб ва ҳайратлантирувчи мавзулар асосида шакллантирилди. Машқ бешта қадам орқали амалга оширилди: 1) “И” – қизиқ, муаммо нимада – муаммони умумий кўринишда шакллантириш босқичи; 2) “Д” – муаммоли саволлар тузиш – савол кўринишида муаммони шакллантириш; 3) “Е” – муаммони ҳал этишнинг қандайдир ечими борми – дастлаб индивидуал, кейин жуфтликларда кўпроқ ечим топиш; 4) “А” – танлов қилиш қандай қийин – муаммонинг мақбул ва рационал ечимини танлаб олиш; 5) “Л” – қизиқувчанлик, ҳаётда қандай кечади – қарорни амалга ошириш жараёни босқичи.

Шунингдек, тарихий-маданий мерос воситасида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини ривожлантиришда махсус курснинг амалий машғулотларида қўллаш билан боғлиқ ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этиш яхши самара берди. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали талабаларда Интернет тармоғидаги киберэкстремистик фаолиятга қарши курашиш, шахс хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш малакалари таркиб топтирилади. Талабаларнинг аниқ йўналишларда (очик ахборот хавфсизлиги, психология, педагогика ва ҳ.к.) ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга доир билим ва тажрибаси, ахборий материалларни осон ўзлаштирилиши, ахборот-коммуникация соҳасидаги турли хил қонунчилик, норматив, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атворни тезда англаш имконини беради. Ана шу тарзда талабалар ахборот хавфсизлигини таъминлашга билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ошириш учун кенг имкониятга эга бўлишади.

Лойиҳаларни тайёрлаш талабалардан кўпроқ мустақил ишлашни талаб этади. Мазкур жараёнда улар катта ҳажмдаги ахборотларни излаш ва қайта ишлаш билан шуғулланишди.

Лойиҳаларнинг ҳимояси “Ўзбекистон тарихи” туркумига кирувчи фанлар ҳамда “Ахборот маданияти ва ахборот хавфсизлиги асослари” махсус курсидан амалий машғулотлар жараёнида ўтказилди. Талабалар ўз лойиҳаларини ҳимоя қилиш жараёнида демонстрацион ва тарқатма материаллар тайёрлашди, шунингдек, лойиҳанинг ижодий жиҳати ҳам баҳоланди.

Таклиф қилинган лойиҳалар мавзулари уч йўналишга ажратилди: фуқаролик ва ватанпарварлик тарбияси, ахборот таҳдидларига қарши курашиш, тарихий-маданий мерос. Мазкур мавзулари тавсиявий тавсифга эга бўлиб, талабалар кўрсатилган йўналишлар доирасида ўзлари ҳам эркин равишда лойиҳа мавзусини танлаш имкониятига эга бўлишди. Лойиҳалар

индивидуал ва кичик гуруҳларда бажарилди. “Ахборот маданияти ва ахборот хавфсизлиги асослари” махсус курсини ўзлаштириш жараёнида талабалар барча йўналишдаги мавзулар бўйича лойиҳалар тайёрлашди.

